

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЕЧИМЛАР
ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРАККИЁТИДА
ХУДУДИЙ МЕДИАНИНГ ЎРНИ**

Бекчанова Дилбар Зариповна, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар Агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси бошлиги

**РОЛЬ РЕГИОНАЛЬНЫХ МЕДИА В РАЗВИТИИ
ЖУРНАЛИСТИКИ РЕШЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА**

Бекчанова Дилбар Зариповна, руководитель управления Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан в Хорезмской области

**THE ROLE OF REGIONAL MEDIA IN THE
DEVELOPMENT OF SOLUTIONS JOURNALISM
IN UZBEKISTAN**

Bekchanova Dilbar Zaripovna, Head of the Khorezm Regional Department of the Agency for Information and Mass Communications under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan



xorazm.matbuot@umail.uz

Аннотация: Уибу мақолада Интернет журналистикаси вужудга келиши билан зарурият юзасидан янги йўналиши-ечимлар журналистикаси, ижтимоий муаммоларга муносабатларни ва далилларга асосланган тўлақонли жавобни шакллантириши борасидаги ёндашувлар Хоразм вилояти етакчи электрон нашрлар мисолида таҳтил қилиб берилади.

Калит сўзлар: медиа макон, сўз эркинлиги, расмий муносабат, ижтимоий муаммо, негатив оқим, тўлақонли ечим, видеоконтент,

Аннотация: В этой статье будет проведен анализ появления интернет-журналистики и нового направления- журналистики решений - на примере ведущих электронных изданий Хорезмской области. Рассматриваются подходы к формированию обоснованных ответов на социальные проблемы и отношения к ним, основанные на доказательствах.

Ключевые слова: медиапространство, свобода слова, официальная позиция, социальная проблема, негативный поток, комплексное решение, видеоконтент,

Abstract: This article analyzes the emergence of Internet journalism and the necessity for a new direction—solutions journalism—addressing social issues and forming evidence-based comprehensive responses, using examples from leading electronic publications in the Khorezm region.

Key words: media space, freedom of speech, official stance, social problem, negative flow, comprehensive solution, video content, public awareness.

Кириш: Бутун жаҳон миқёсида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам интернет коммуникация, ахборот технологиялари жараёнлари шиддат билан тараққий этиб, ундан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Таниқли сиёсатшунос А.Сайдов ушбу мислсиз жараённи шундай таърифлайди: “Биз яшаётган XXI аср-глобал ахборот жамияти шиддат билан шаклланиб бораётган том маънодаги ахборот асридир. Бугун ахборот жамият тараққиётининг бош омили сифатида намоён бўлмоқда. Ахборот ва билим энг муҳим миллӣ ва дунёвий бойлики, уларни яратиш ва тарқатишини таъминлайдиган тизимлар эса, барқарор ривожланишнинг стратегик омилларига айланди”. [1.3-бет].

Табиийки, медиа маконда ечимлар журналистикаси атамаси ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмади. Зарурият юзасидан у ана шу тинимсиз ривожланишлар шароитида вужудга келди. Ушбу термин ўз фаолияти доирасида аҳолининг хабардорлигини таъминлаш мақсадида бизнинг ҳам истеъмолимизга кенг кириб келди ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидан чукур ўрин олди. Ечимлар журналистикаси негативлар оқимида, муаммолар уммонида ижтимоий турмушнинг ўзига хос муҳим эҳтиёжи, зарурияти сифатида намоён бўлмоқда. Таниқли журналист Тина Розенбергнинг таърифича, “Одамлар муаммолардан чарчашгани ҳақ. Бугун улар ижобий натижалар, позитив ёндашувлар ва муваффақиятли якунлар ҳақидаги ахборотларга, янгиликларга муҳтождирлар. Бу йўналишдан журналистиканинг муҳим бир жанри сифатида муаммолар ечимига кучли таъсир қилиш инструменти сифатида фойдаланилади”. (7. З-бет. Русчадан эркин таржима муаллифники.)

Ечимлар журналистикаси ижтимоий ҳаётизизда юзага келаётган муаммоларни холисона таҳлил қилиш, ўз вақтида сифатли, тўғри ва тўлақонли жавоб ёки муносабат беришнинг ҳамда ечимларни тақдим этишининг жуда муҳим, қулай ва мақбул стратегияси - усулларидан биридир. Ечимлар журналистикаси ҳатто жуда мураккаб саволларга комплекс ёндашади, жавоблар излайди.

Ушбу мақолада Хоразм вилоятидаги худудий медианинг Ўзбекистонда ечимлар

журналистикасини ривожлантиришдаги муҳим аҳамияти кўриб чиқилади. Шунингдек, минтақаҳининг етакчи интернет нашрлари материаллари мисолида таҳлил қилинади.

Материаллар ва методлар: Ҳар қандай даврларда, жамиятда муаммолар бўлган ва бундан сўнг ҳам бўлаверади. Ечимлар журналистикасининг кенг маънода жамоатчилик фикрини бошқариш, жамият ва давлат идоралари ёки тижорат тузилмалари ўртасидаги муносабатларни ўрнатишдаги ўрни яққол кўриниб қолди. Ечимлар журналистикаси тушунчаси қисқа вақт ичидаги замонавий ёндашувлар билан касбий фаолиятда ўзига хос маъно ва мазмун касб этди, десак муболага бўлмайди. Айни замонда ечимлар журналистикасининг муҳим концепциялари кўйидагиларда намоён бўлмоқда:

1. “Ечимларга ургу бериш”. Муаммоларни аниқлаган кишилар эмас, уларни қандай ҳал қилаётганлар ҳақидаги маълумотни батафсил ёритиши.

2. “Жараённи таснифлаш, ёҳуд ёрқин, равшан ифодалаш”. Ечимлар журналистикаси муайян ечим қандай ишлаётгани, унинг самарадорлиги ва қандай муаммоларни ҳал қилишга қодирлигига эътибор қаратади.

3. “Контекст ва таҳлил”. Материаллар нафақат ечимни, балки унинг кенгроқ контекстидаги аҳамиятини ҳам ёритиши керак, унинг бошқа худудларда ёки соҳаларда кўлланиши мумкинлигини таҳлил қиласи.

Муҳокама

Ечимлар журналистикаси ривожланаётган давлатлар учун, жумладан, Ўзбекистон учун жуда катта аҳамият касб этади. Негаки, бугун мамлакатимизда изчил давом этаётган ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар жараённида медиа энг яхши тажрибаларни тарқатишида фаол бўлиши зарур. Айниқса, худудий медиа бу масалада муҳим роль ўйнайди, чунки улар маҳаллий шароитни, аҳоли талаби ва муаммоларини, худуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳаммадан кўпроқ яхши тушунадилар.

Шу жиҳатдан ҳам Хоразм вилоятидаги худудий медианинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хўш, булар нималарда акс этади? Энг аввало вилоят-ўзига хос маданий ва тарихий

идентификацияга эга. Жумладан, баъзи бир ижтимоий-иқтисодий муаммоларга дуч келаётган худуд ҳисобланади. Сўнгги йилларда маҳаллий медиа, айниқса, интернет нашрлари, аҳоли учун мухим ахборот манбаига айланди. Унинг аҳоли орасида аҳамияти, унга бўлган эҳтиёж ва зарурият, ишонч ошиб бормоқда.

Вилоятдаги худудий медиа ечимлар журналистикасида қуйидаги асосий мавзуларга эътибор берилиши керак:

1. “Экологик муаммолар”. Сир эмас, хозирги кунда Хоразм шўрланиш, тупроқ ҳолатининг ёмонлашуви, сув ресурсларининг етишмовчилиги, атмосфера ҳавосининг муттасил равишда ёмонлашиб бориши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби экологик муаммоларга дуч келмоқда.

Интернет журналистикаси ф.ф.н. Наргиза Қосимованинг таърифлаганидек, “Анъавийдан фарқли ўлароқ веб-матн қисқа, аниқ, фактларга бой, бадиий жиҳатдан ёрқинроқ бўлади” (2.186-бет). Анъанавий медиа бу муаммоларнинг хажми, кўламини инобатга олса, ечимлар журналистикаси эса сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, исрофгарчиликларнинг олдини олиш, ер ва тупроқ шароитларини тиклаш ёки яшил боғлар, маконлар яратиш сингари натижадор, муваффакиятли ташаббусларни батафсил ва ёрқинроқ ёритиши билан қўп афзалликларга эга. Мисол учун, замонавий сугориш технологиялари, иригация механизмларини ҳаётга жорий қилиш борасидаги асосли материаллар, таклифлар бу соҳадаги муаммоларни қай йўсинда ечимини топиш лозимлигини кўрсатади.

2. “Ижтимоий ташаббуслар ва соғлиқни сақлаш”. Хоразмда соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ҳимояни яхшилашга қаратилган кўплаб ижтимоий лойихалар амалга оширилмоқда. Худудий медиа шу ўринда олис қишлоқлардаги тиббий хизматларни ташкил қилиш ёки инклузив таълим дастурларини татбиқ этилиши масалаларини кенг ёритища мухим роль ўйнаши мумкин.

3. “Иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш”. Яхши биламиз, Хоразмнинг иқтисодиёти асосан қишлоқ ҳўжалиги ва хунармандчиликка боғлиқ. Ҳудудда айни пайтда инвесторлар кўмагида саноат корхоналарининг ва кўплаб ишчи

ўринларининг яратилаётгани ҳам таҳсинга лойик. Бу ўринда худудий медиа инновацияларни ёки давлат дастурларини кўллаб-кувватлаган тадбиркорларнинг муваффакиятли тарихларини ёритиб беради.

4. “Йўл ва инфратузилма масалалари”. Маълумки, вилоятнинг катта магистраль ва ички йўллари тез-тез таъмирталаб ҳолга келади. Айниқса, шаҳар ва туманларни бирлаштирувчи Шовот канали узра кўприкларни деярли ҳар икки йилда бир марта енгил таъмирлаш талаб қилинади. Бунинг асосий сабаби тупроқнинг шўрланиш ҳолати бўлса, иккинчидан йўл ётқизиш стандартларининг бузилиши муаммолари ва шунингдек, бу йўлдан оғир юк тортувчи автомобиль ва тиркамаларнинг ўтиб туриши масалалари бўлиши мумкин. Ушбу муаммолар ечимини топиш ва уни бартарф этишда одамларнинг ишончига кирган интернет нашрларининг нуфузи ошиб кетганлигини кузатиш мумкин. Бу ижтимоий тармоқларнинг тараққий этиши билан боғлиқ албатта.

Натижা

Хоразм вилоятида бугунги кунда 22 та худудий электрон нашр мавжуд. Агар таҳлил қиладиган бўлсак, бундан 6-7 йиллар илгари воҳада ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган электрон нашрлар 5 тани ташкил қиласа, кейинги пайтда журналистиканинг мазкур турига қизиқиш ва унинг салмоғи ошганлигини кузатиш мумкин.

Хоразм вилоятининг етакчи интернет нашрлари материалларини таҳлил қилиш орқали ечимлар журналистикаси услублари ва тамойилларига мос келадиган қуйидаги мисолларни ажратиб кўрсатамиз:

“**Xorazmliklar**” интернет нашри орқали тақдим қилинган “Табиатни ўйламай қўйдик” мавзусидаги видеоматериалда воҳада экилаётган арча дараҳтлари қуриб бораётгани, уларга сарфланаётган маблағлар бир-бирга ҳавога учеб кетаётгани, уларнинг ўрнига иқлим ва тупроқ шароитига мос манзарали дараҳтларни экиш ва парваришлиш яхши наф бериши ҳақидаги мухим масала кўтарилиган. Бу ташабbus Хоразмнинг қуруқ иқлими шароитида униб ва ўсиб кетиши мушкул бўлган дараҳтлардан воз кечиши кераклиги, аксинча гужум, тут, қорақарағай, терак дараҳтларини экиш орқали яхши натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлашган. Чиқиши омма ўртасида яхши

резонанс берди ва ўз самарадорлигини намоён этди, бу орқали нашр нафақат экология билан боғлиқ муаммоларни, балки унинг ечимларини ҳам баён қилди.

“Qonun doirasida” электрон нашрининг воҳада фаолият кўрсатаётганига кўп бўлмади, аммо соҳада муаян тажриба ортириб, қисқа вақт ичида аҳолининг ишончига кирди. Эълон қилинган видеоконтент “Эҳтиёт бўлинг! Захарланиб қолманг!” деб номланган. Унда Урганч учун маҳсус ишлаб чиқарилган сифатсиз ёғлар бозорлар ва магазинларда сотилаётганилиги муаммоси кўтарилиган. Маълум бўлишича, ушбу ёғ маҳсулоти бошқа вилоятдан, яъни Бухородан олиб келиниб, тадбиркорларга нақд пулга етказиб берилаётгани аниқланган. Ишлаб чиқарувчиси номаълум бўлган бу ёғлар бир қараганда бошқа ёғлардан ҳеч фарқ қилмайди. Аммо Хоразм вилоятида ишлаб чиқарилаётган пахта ёғлар ва сифатсиз ёғлар орасида бир қатор фарқлар борлиги ҳам асослаб берилган. “Ёғ маҳсулотларида “Урганч шаҳри учун” деб ёзилган ёзувларни кўришингиз мумкин”, - дейилади мақолада. “Савол: нега айнан Урганч шаҳри учун сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилган? Мақсад сифатсиз маҳсулотларнинг кириб келишининг олдини олиш ва фуқароларнинг соғлигини таъминлашдир”. Қандай қилиб? Репортаж давомида бу саволга бозордаги тадбиркорлар билан учрашув ва сұхбат жараёнида жавоб келтиради.

“Наqiqat yo‘lida” интернет нашрининг воҳа шароитига хос бўлган мавжуд муаммоларни кўтариб чиқиши ва унинг ечимлари устида ишлаши борасида ўзига хос тажрибаси бор. “Пилла курти боқувчиси куйиб қолди” сарлавҳаси остида жойлаштирилган видеоматериалда ижодий бир дадиллик билан муаммо ўртага ташланган. Тут плантасиясига туташ ҳудудда пахта экин даласига заҳарли химикатлар сепилган. Оқибатда тут барглари билан боқилган пилла қуртлари нобуд бўлган. Фермер пахта даласига заҳарли химикат сепиши натижасида тутлар зарарлаган. Кўшкўпир туманидаги касаначи Неъматжон 23 та қути олиб, ундан 1 тоннагача ипак топширишни режалаштирган эди. Натижада куйиб қолди. Фермернинг тут плантацияси эгасини огоҳлантирасдан қилган ҳатти-харакати сабабли нобуд бўлган ипак қуртлари ҳақидаги

аянчли воқеа бошқа ипак курти боқувчиларга ҳам ибрат сифатида атрофлича таҳлил билан ҳикоя этилган.

Хоразмда шунга ўхшаган танқидий-таҳлилий муаммоларни деярлик ҳар кун ижтимоий тармоқларда кузатиш мумкин. Бу жараёнларда ҳудудий электрон нашрларнинг фаол ҳаракатлари яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистонда ечимлар журналистикасини ривожлантиришда ҳудудий медиа мухим ролт ўйнар экан, унинг муваффақияти ва афзалликларини куйидагича таҳлил қиласа бўлади:

1. “Аудиторияга яқинлик”. Ҳудудий медиа миллий ёки ҳалқаро нашрларга қараганда ўз аудиториясини яхшироқ билади. Бу уларга маҳаллий аҳоли учун долзарб бўлган ва уларни қийнаётган аниқ мавзуларни ёритиш имконини беради.

2. “Медиага ишонч ошганлиги”. Маҳаллий медиа миллий ёки ҳалқаро ОАВга нисбатан кўпроқ ишончга эга бўлиши мумкин. Бу ишонч ечимлар журналистикасида ижобий ўзгаришларни тарғиб қилишда самарали натижани тақдим этади.

3. “Ижтимоий ўзгаришлар учун муваффақиятли восита”. Ечимлар журналистикаси тарқатилаётган ахборотнигина эмас, балки фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳам мухим рол ўйнайди. Ҳудудий медиа фуқароларни, жамиятни ўз муаммоларига ечим топишга илҳомлантирувчи, рағбатлантирувчи фаол жараён ҳисобланади.

Таниқли журналист М. Обидовнинг фикрича, “Суриштирув жанрининг бошқалардан асосий фарқли томони шундаки, унда журналист муаммони ўртага ташлаш ва уни мустақил ўрганиш билан кифояланмайди. Баъзида суриштирув материалида бу очик-ошкор ёритилмаслиги мумкин, лекин журналист тўплаган факт, далил ва изоҳлар аудиторияни тўғри хулоса чиқаришга ундейди” (4.91- бет) Ечимлар журналистикасида ҳам ҳудди шундай услублардан фойдаланилади.

Хулоса. Бемалол айтиш мумкинки, ечимлар журналистикаси Ўзбекистоннинг ҳудудий медиаси учун янги имкониятлар эшигини очади. “У ижтимоий муаммоларга муаллифнинг ўзига хос жавоб беришига

қаратилган янгиликлар репортажидир”. (7.5-бет. Русчадан эркин таржима муаллифники.)

Айниқса, ижтимоий, иқтисодий ва экологик чақирикларга, муаммоларга жавоб бериш учун конструктив ёндашувлар зарур бўлган. Хоразм вилоятида бу янада яққол кўринмоқда. Худудий интернет нашрлари видеоконтентлар орқали маҳаллий аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга доир муаммоларни муваффакиятли ечиш бўйича амалий мисолларни тарқатиш платформасига айланиши мумкин. Бу эса ўз-ўзидан аёнки, бошқа худудларни шундай ечимларни излашга илҳомлантиради, рағбатлантиради. Жамиятдаги ўзига хос муаммоларни ечимини топишда ташаббускор журналист-ижодкорлар командасини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: Халқаро хукуқий асослар. “Инсон хукуқлари кутубхонаси”. 2021, 3-бет.
2. Журналистлар ихтисослашуви борасида турли йўналишларда ўтказилган ўқув-услубий семинарлар бўйича материаллар тўплами. Наргиз Қосимова. “Анъанавий ва интернет журналистика: Ўхшашлик ва тафовутлар” Тошкент. 2012, 186-бет.
3. Ж. Раматов, Б. Салимов, Ҳ. Ражабов. Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мағкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашнинг маънавий-маърифий усуллари ва воситалари. Тошкент. 2020, 113-бет.
4. Муҳаммаджон Обидов. Журналист суриштируви: Тажриба ва таҳлил. “Фаргона нашриёти. 2018, 91-бет.
5. Хуршид Дўстмуҳаммад. “Ахборот-мўъжиза, жозиба, фалсафа. Тошкент. 2013.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”. Тошкент. 1997 йил 24 апрель.
7. Тина Розенберг. Журналистика решений: Solutions Journalism. “Что такое журналистика решений?” Lismimmid.tilde.ws 16 июн. 2018. Статья в интернете.
8. Автор Solutions Journalism Network. Jun 16. 2022. Специальные темы.”Что такое журналистика решений и почему она заслуживает внимания?”. Статья в интернете.
9. Новости MediaSavod. Журналистика решений: Как СМИ содействуют поиску решений для социальных проблем. 10 октябрь. 2023. Интернет издание.
10. uz.qllever.asia Журналистика решений: Как СМИ содействуют поиску решений для социальных проблем. 27 март. 2024. Интернет платформа.
11. Рубрика. rubryka.com. Где искат решение? Что такое журналистика решений и почему это о “Рубрике”. 6 июнь. 2020. Статья в интернете.
12. Wikipedia. uz.m.wikipedia.org Ечимлар журналистикаси. Кириш. Сўнгги таҳрир 2022.

